ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 199 (10.504) / 2005 ЙИЛ 7 ОКТЯБРЬ

## ПРЕЗИДЕНТ САНКТ-ПЕТЕРБУРГГА ЖЎНАБ КЕТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 октябрь куни «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига (МОҲТ) аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига жўнаб кетди.**

Президентимиз сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан суҳбатлашди.

— «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ҳақида гапирганда, унинг шу минтақада яшаётган халқларнинг ҳаёти учун нечоғли аҳамиятга эга эканига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим, — деди Ислом Каримов. — Марказий Осиё минтақаси халқларининг иқтисодий манфаатлари бир-бири билан узвий боғлиқ. Энергетика, табиий бойликлар ёки транспорт алоқаларини олинг, хуллас, барча соҳада манфаатларимиз туташиб кетган. Демак, биз олдимизда турган муаммоларни биргаликда, баҳамжиҳат ҳал этмоғимиз даркор.

Шу нуқтаи назардан «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ўз олдига қўйган вазифаларини тўла адо этяпти, дейиш қийин.

Ташкилот фаолиятини янада жонлантириш, унда қабул қилинаётган қарорларнинг тўла ишлашини таъминлаш зарур.

Санкт-Петербургда ўтажак саммитда минтақавий хавфсизликни таъминлашга, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, терроризм ва наркобизнесга қарши биргаликда курашишга, шунингдек, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти фаолиятини кучайтиришга оид масалалар муҳокама этилиши мўлжалланган.

## ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

**Санкт-Петербург, 6 октябрь. (ЎзА мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).** Президент Ислом Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун бугун Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига келди. Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳда Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиевни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Қирғизистон муносабатлари ҳамда минтақавий хавфсизликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

**«Ўзэкспомарказ»да ўтказиладиган 1-халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида икки кун давомида, мутахассисларнинг тахминларича, 100-150 минг тонна пахта толаси сотиб олиш юзасидан шартномалар имзоланади. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақда маълум қилинди. Унда Ўзбекистонда етиштирилаётган пахта селекцияси, уни ишлаб чиқариш, сертификатлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланувчи республика ташкилотлари ва илмий муассасалари раҳбарлари ҳамда мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

*1-халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси арафасида*

## ЯРМАРКА ОЧИЛИШИГА ҲАММА НАРСА ТАЙЁР

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари С.Ҳасанов бугун ўзбек пахтаси жаҳон бозорида жуда юқори баҳоланаётгани, савдога қўйилаётган ҳажми тўлиқ сотилаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тола рақобатбардошлигининг бундай ўсиши — Президент Ислом Каримов раҳбарлигида иқтисодиётнинг барча тармоқларида, шу жумладан пахтачиликда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасидир.

Матбуот анжумани қатнашчиларига республика ташкилотларининг пахта сифатини ошириш, бозорни кенгайтириш бўйича олиб бораётган ишлари ҳамда бўлғуси ярмаркани ўтказишга қўрилаётган тайёргарлик хусусида маълумот берилди.

Бу йил республикада Ўзбекистон селекционерлари томонидан яратилган 20 та нав районлаштирилди. Жорий мавсумда пахта йиғим-терими қулай вақтда, яхши об-ҳаво шароитида ўтказилмоқда, бу эса ундан юқори сифатли тола олиниши гаровидир.

Давоми 2-бетда.

## ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** оилавий спортни ривожлантириш мақсадида «Истиқлол» ўйингоҳида ташкил этилган мусобақа "Отам, онам ва мен" деб номланди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги "Шарқ тонгги" маҳалласида туман вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими ташаббуси билан тадбир бўлиб ўтди ва унда вояга етмаганлар орасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ўсмир ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида қилиниши лозим бўлган амалий ишлар тўғрисида сўз борди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги "Шодлик" маҳалласида бўлиб ўтган тадбир "Ватанни севмоқ иймондандир" деб номланди ва унда армияга чақирув ёшида бўлган йигитларимиз онгига Ватан ҳимояси олий бурч эканлиги сингдирилди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги "Себзор" маҳалласида "Камолот" ЁИҲ қошида ташкил этилган "Маҳалла умидлари" маркази ҳамда Тошкент шаҳар "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган кўрик-танлов "Маҳалланинг намунали қизи", "Саранжом уй — саришта хонадон" деб номланди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманининг Йўлдош Охунбобоев маҳалласида "Маҳалла, маънавият ва маърифат маскани" рукни остида тадбир бўлиб ўтди ва унда эл севган шоир ва ёзувчилар ҳамда санъат усталари иштирок этишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ОРИЯТЛИ ИНСОН АЛДАНМАЙДИ

**Андижонда содир этилган машъум воқеалар ғанимларимиз тегирмонига сув қуйишга, уларнинг бизга қарши маломат ёғдиришига сабаб бўлмоқда. Аммо, нақл этилганидек, ит ҳурар, карвон ўтар...**

Аввalambор, халқимиз тинчлик-осойишталигимизга хавф солган, юртимиз барқарорлигини таҳдид остида қолдирган қўпорувчиликдан кўзланган ҳақиқий мақсадларни, ўша ғаразли, узоқни ўйлаб амалга оширилган уринишлар мазмун-моҳиятини теран англаб, аянчли оқибатларини кўриб билиб турибди. Террорчилик ҳаракатлари ташкилотчилари ва иштирокчилари ўзларининг қабиҳ ниятига етолмаганининг туб сабаблари ҳам, аслида, халқимиз уларни қўллаб-қувватламаганида, сохта даъватларига эргашмаганидадир.

Худди шу боис жангариларнинг одамларни гиж-гижлаб, алдаб, зўрлаб кўчага чиқариш, сўнгра оломоннинг соддалигидан фойдаланиш ва жараённи ўз манфаатлари сари бошқариш, яъни қабиҳ ниятларини амалга оширишдан иборат хомхаёллари ўшандаёқ чиппакка чиқди.

«Андижон аҳолиси бизни қўллаб-қувватлайди», деб хомтама бўлганларнинг ёвуз хатти-ҳаракатлари вақтида бартараф этилди.

Энди жангарилар Андижонда, бутун Ўзбекистонда имонэътиқодли одамлар яшашини, улар бир ҳовуч муттаҳамларнинг ҳавойи гап-сўзларига, бузғунчи ғояларига асло алданмасликларини англаб етган бўлса ажаб эмас. Зотан, ҳамма нарсани ақл тарозисида ўлчаб, соғлом фикрлай оладиган инсон турли алдовларга учмайди.

Энг муҳими, ориятли одам онг-шуурни манқуртлаштирувчи, маънавиятга, эътиқодга путур етказувчи ҳар қандай ёвуз ғоя ва ақидалардан, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга зид қарашлар ва хатти-ҳаракатлардан ўзини ўзи ҳимоялай олади. Шунинг учун ҳам ориятли одамни чалғитиб, йўлдан уриб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 15 нафар судланувчига оид жиноий иш бўйича суд жараёнида иштирок этаётган гувоҳларнинг Андижон воқеалари билан боғлиқ кўрсатмаларида ана шу оддий, ҳаётий ҳақиқатлар ўз тасдиғини топмоқда.

Гувоҳ Дилшод Мамажоновнинг айтишича, у вилоят ҳокимлигидан унча узоқ бўлмаган маҳаллада истиқомат қилади. 13 май куни эрталаб: «Кечаси қамоқдан бир гуруҳ жиноятчилар қочиб кетибди, шаҳарнинг баъзи жойларида отишма ҳам бўлибди» қабилидаги гап-сўзларни эшитгач, кўчага чиқиб кетган ўсмир жиянини излаб, шаҳарнинг бош майдонига яқин келиб қолади.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **«Соғлом она ва бола йили»** ... 

● **«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ Оролбўйи аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган «Саломатлик поезди»да келган шифокорлар гуруҳи Қораўзак тумани марказий поликлиникасида 700 дан ортиқ кишини тиббий кўрикдан ўтказди.**

● **Қашқадарё вилоят чақирув-йиғув пунктида Юртбошимизнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ чақирилувчиларнинг дастлабки гуруҳи ҳарбий хизматга кузатилди.**

● **Қизилтепа тумани миришкорлари юқори агротехник қоидаларга амал қилганликлари туфайли вилоятда биринчилардан бўлиб мамлакат пахта хирмонига 26240 тонна дурдона тўкдилар.**

● **Навоий шаҳрида шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан навбатдаги «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Тадбир давомида юздан зиёд талабгор ишли бўлди.**

● **Қўқон шаҳрида «Скорпион» ўзбек-турк қўшма корхонаси фаолият бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Корхонага Туркиядан 180 минг АҚШ доллари қийматига эга янги дастгоҳлар келтириб ўрнатилганидан сўнг қўшма корхона фаолияти ривожланиб кетди. Ҳозир бу ерда юқори сифатли тўқимачилик полотносини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

### Жаҳонда

● **Швеция пойтахти Стокгольмда анъанавий Нобель ҳафталиги бўлиб ўтмоқда. Швеция Қироллик илмий академияси ушбу нуфузли мукофотнинг 2005 йилги номзодларини аниқлашга киришди. Хусусан, Нобелнинг физика йўналишида АҚШлик Рой Глаубер ва Жон Холл, германиялик Теодор Хэншлар ғолиб деб топилди.**

● **Фаластин парламенти мухториятнинг собиқ етакчиси Ёсир Арофат ўлими билан боғлиқ ҳолатларни текшириш бўйича комиссия ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.**

● **Туркиянинг Истанбул шаҳридаги турар жой биноларидан бирида террорчилик ҳаракати содир этилиши натижасида бир киши ҳаётдан кўз юмди, етти киши жароҳатланди. Ушбу жиноятда Курд ишчи партияси жангариларининг қўли борлиги тахмин қилинмоқда.**

# ОРИЯТЛИ ИНСОН АЛДАНМАЙДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

«Майдонни панжара бўйлаб қуролли кимсалар ўраб олганди, — дейди Д.Мамажонов. — Бобур Мирзо ҳайкали пойида эса 300-400 киши тўпланиб турган экан. Қуроллилардан бир нечтаси давлатимиз тузумига қарши гапларни айтарди. Одамларга қарата: «Бир кун туриб беринглар, кейин ҳаммаси яхши бўлади», деган чақириқлар ҳам бўлди. Тўғриси, уларнинг гап-сўзи менга маъқул тушмагани учун дарҳол жиянимни олиб, уйга қайтдим».

Хусусий тадбиркор Дониёр Исомиддинов ўртоғи билан шерикчиликда дўкондорлик қилади. Уларнинг дўкони шаҳар марказидаги Фитрат кўчасида жойлашган. У шундай гувоҳлик берди: «Ўша куни кечаси дўконимизни эндигина ёпганимизда, ёнимизга «Нексия» келиб тўхтади. Машинадан қуролли кишилар тушди. Улардан бири: «Тезда ҳокимлик биноси олдидаги майдонга боринглар. Мабодо қайтаётганимизда яна шу ерда турганларингни кўрсам, отиб ташлайман» дея дўқ қилди».

Гувоҳ Рашида Бурхонованинг қўшниси 13 май куни эрталаб соат саккизларда: «Кечаси қамоқдагиларнинг ҳаммаси озодликка чиқибди, ҳозир майдонда эмиш. Юринг, ўша ерга борамиз», деб унинг олдига келади. Рашида опанинг эри 2000 йилда суд ҳукми билан қамалиб, жазони Қаршида ўтаётган эди.

«Қўшнимнинг гапига ишониб, вилоят ҳокимлиги олдига бориб қолдим, — дейди Р.Бурхонова. — Бир неча маротаба қайтиб чиқишга ҳаракат қилдим, лекин қуролли кишилар рухсат бермади. Кейин эса кечаси бизни ҳам ўзлари билан Қирғизистон томонга олиб кетишди. Қўшни давлат ҳудудига ўтиб, у ердаги палаткаларда 12 кун мажбуран яшаб турдим. Охир-оқибат уйда болаларим ёлғиз қолганини рўкач қилиб, бир амаллаб юртимизга қайтиб келдим».

Бошқа бир гувоҳ — Насрулло Бахриддинов 12 май куни кечки пайт нон олиб келиш учун кўчага чиққанида бир тўда оломонга дуч келади. Уларнинг мажбурлаши билан вилоят ҳокимлиги олдигача боради.

«Бу ерда бир гуруҳ қуролли киши мени судраб панжара ичкарисига киритиб қўйди, — дейди Н.Бахриддинов. — Пайт пойлаб қочмоқчи бўлганимда, кимдир ортимдан қаттиқ урди ва йиқилиб тушдим... У ерда қанча турган бўлсам, фақат қочиш хаёли билан юрдим. Ниҳоят, имкон топиб майдонни ўраб турган панжарадан энди ўтаётганимда елкамга ўқ тегди».

Гувоҳ Валижон Акбаровнинг айтишича, 13 май куни кечаси кўчага чиқиб, кинотеатр ёнаётганини кўрган. Қизиқсиниб майдонгача борган ва у ердан чиқиб кетолмай қолган. Майдондаги гап-сўзлар маъқул келмай, бир амаллаб қочиб қутулган.

Судда: «Қандай гап-сўзлар сизга маъқул келмади?», деган саволга В.Акбаров: «Исломий давлат қурамиз, халифалик тузамиз. Ана шундан сўнг ҳаммаси яхши бўлади, деганга ўхшаш гаплар менга ёқмади», деб жавоб берди.

Иброҳим Исмоилов Андижон воқеаларида фаол иштирок этганлардан. У эҳтиёт чораси сифатида 27 май куни қамоққа олинган. Айни суд жараёнида гувоҳ сифатида кўрсатма берди. 1998 йилдан «Акромийлар» оқимига аъзо бўлган бу шахс Андижон воқеалари бошлангунга қадар ҳам «итоатчи» сифатида оқим раҳбарларининг буйруқларини бажариб келган. 12 май куни эса пост-патруль хизмати батальонига, қамоқхонага ҳужумларда қатнашган.

«Сўнгра ҳокимлик биносида гаровга олинганларни кўриқлаб турдим, — дейди И.Исмоилов. — Бир ички ишлар ходимини уриб қийнадик. Кейин уни: «Халққа қарата ўқ уздим, дейсан», деб мажбурладик».

«13 май куни ҳокимлик атрофида ҳукуматга қарашли бирор-бир кучни кўрдингизми?», деган саволга жавобан у: «Йўқ, кўрмадим», деди. «У ҳолда ҳокимлик биносини ташлаб чиқиб кетишингизга сабаб нима эди?», дейилганда: «Ҳокимлик биносидан чиқиб кетишимизга сабаб биз ўйлаган режа амалга ошмади, аҳоли бизни қўллаб-қувватламади, майдонга халқ тўпланмади», дея жавоб берди.

Гувоҳ Абдувоҳид Иброҳимов эҳтиёт чораси сифатида 15 май куни қамоққа олинган. У ҳам акалари сингари «Акромийлар» оқимининг аъзоси бўлган. У ўз кўрсатмасида бундай дейди: «6 май куни 23 нафар «Акромийлар»нинг суди бўлаётган жойга бордим. У ерда бир қанча шерикларимизнинг костюмларда турганини кўриб: "Тинчликми?" деб сўраганимда, улардан: «Биз барчага ўзимизни «Акромийлар» эмас, оддий тадбиркорлар сифатида кўрсатмоқчимиз», деган жавобни эшитдим».

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган, айни жараёнда гувоҳ сифатида иштирок этаётганлардан яна бири — Ҳасан Шокиров оила аъзолари билан «Акромийлар» оқимига кирган. Унинг айтишича, акалари Шариф ва Шавкат Акром Йўлдошевнинг энг яқин кишиларидан ҳисобланган.

«Акромий биродарларимизнинг суди бўлаётган бино олдида тўпланган оқим аъзоларини шериклари билан видеотасвирга олиб турганман, — деб кўрсатма берди Ҳ. Шокиров. — Буни менга Шариф акам буюрган. Бу пайтда 23 айбланувчи ўз кўрсатмаларини ўзгартириб, ўзларини оддий тадбиркор деб айтишаётган, ташқарида тўпланган биродарларимиз ҳам бир зумда «жабрдийда тадбиркорлар»га айланган эди...»

«Қариндош-уруғларингизни майдонга олиб боришдан мақсад нима эди?», деб берилган саволга у: «Одам сонини кўпайтириш учун олиб борганман», деб жавоб қайтарди.

Гувоҳ Михаил Рудаков — 12 май куни қамоқдан ноқонуний чиқариб юборилганлардан бири. У муқаддам бир неча марта судланган. Ўз кўрсатмасида мажбуран жангариларга қўшилиб содир этган хатоларини тан олди.

«Сиз ўз кўрсатмангизда ҳокимлик атрофида ҳукумат кучларини кўрмадим деяпсиз, унда жангарилар нима учун ҳокимлик биносини тарк этди, деб ўйлайсиз?» деган саволга М.Рудаков: «Менимча, уларни халқ қўллаб-қувватламагани учун чекиндилар», деб жавоб берди.

Суд жараёнида гувоҳлар, жабрланувчилар, уларнинг вакиллари, шунингдек, судланувчилар берган кўрсатмаларидан ҳам аён бўлмоқдаки, бузғунчилар юрт аҳлидан мадад кутиб қаттиқ адашган. Зеро, давлат ва жамият ўртасида ўзаро ҳамфикрлик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик амал қилаётган, кишилар руҳиятида яратувчанлик ва бунёдкорлик кайфияти зоҳир, халқ бир тану бир жон бўлиб эртанги кунга юксак ишонч, ёруғ орзу-интилишлар билан яшаётган Ўзбекистонда юртдошларимиз ёвуз кучларнинг фитнасига ҳеч қачон учмайди.

Бу фожиани ҳар бир фуқаро ўз қалби ва онгидан ўтказиб холис баҳо бермоқда. Келгусида ёвуз кучларнинг бундай хуружлари такрорланмаслиги учун кишиларимиз огоҳ ва сергак яшашни ўзларининг фуқаролик бурчи деб қабул қилаётир.

Дунёда глобаллашув жараёни янада чуқурлашиб, мафкуравий қарама-қаршиликлар авж олган ҳозирги замонда гоҳ демократияни пеш қилиб, гоҳ эса гўёки соф диний таълимот ниқоби остида миллийлигимизга, тарихий қадриятларимизга, истиқлолимизга чанг солишга интилишлар тобора кучайиб бораётганини пайқаш қийин эмас. Бундай шароитда бепарволикка, лоқайдликка асло йўл қўйиб бўлмайди.

Андижон фарзанди — шоир Чўлпон ёзганидек: «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир». Шу маънода, бугун мамлакатимизни бадном қилишга, халқимиз орасига нифоқ солишга қаратилган ҳар қандай бузғунчиликни бартараф этишга доимо шай туришимиз ва барчамиз: «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди», деган даъват остида янада жипслашишимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

**Ғулом МИРЗАЕВ,**
**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

*1-халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси арафасида*

# ЯРМАРКА ОЧИЛИШИГА ҲАММА НАРСА ТАЙЁР

Давоми. Боши 1-бетда.

«Ўзпахтасаноат» уюшмасининг маълумотларига кўра, ҳозир далалардан 3 миллион 200 минг тоннадан зиёд хомашё йиғиб олинди, унинг 90-95 фоизи биринчи ва иккинчи навга тасниф қилинмоқда. Айни пайтгача ундан 170 минг тонна тола ишлаб чиқарилди, шундан 100 минг тоннадан ортиғи худудий терминалларда сақланмоқда ва бўлғуси ярмаркада савдога қўйиш учун тайёр.

Муҳими, бу толанинг ҳаммасига тегишли сертификатлар тайёрлаб қўйилган. Бу йил Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб камида 1 миллион 250 минг тонна юқори сифатли пахта толаси ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

1-халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси жаҳон бозорида муҳим воқеа бўлади. Унда иштирок этиш учун пахтакорларимизнинг мавжуд ва истиқболдаги хорижий шерикларидан келиб тушаётган аризаларнинг кўплиги ҳам буни тасдиқлайди. Ярмарка дастури жуда бой. Турли мамлакатлардан келган пахта толаси истеъмолчилари билан кўплаб учрашувлар режалаштирилган. Улар ўзбек пахтасининг селекция навлари кўргазмасида 2005 йил ҳосили намуналари билан танишади. Ярмарканинг марказий воқеаси тўғридан-тўғри савдолар, шартномалар тузиш бўйича музокаралар ўтказилиши ва уларнинг имзоланиши бўлади.

Ярмаркани юксак даражада ташкил этиш учун «Ўзэкспомарказ» ва тадбирларнинг бир қисми ўтадиган «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида катта ишлар амалга оширилди. Бу ерда халқаро ярмарка стандартларига мувофиқ жиҳозланган, стеллаж ва ахборот стендлари, Ўзбекистон пахта саноати ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар ва роликларни намойиш этиш учун ускуналар билан таъминланган янги павильон бунёд этилди. Музокараларнинг бориши ва натижалари ҳақида ярмарканинг ҳар бир иштирокчиси махсус панно орқали билиб олади. Пахта намуналари намойиш этиладиган кўргазмада 20 та пилла яратилган. Ишлаб чиқарувчиларнинг ўзи ҳар бир пахта навининг афзалликлари ҳақида сўзлаб беради.

Бундан ташқари, ярмарка қатнашчилари мамлакатимизда пахта етиштирилиши ва ундан тола олинишини ўз кўзлари билан кўриш имкониятига эга бўлади. Улар Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги фермер хўжаликлари ва пахта заводи ҳамда «Тошкент Тола» пахта терминалига ташриф буюради. Ярмарка доирасида Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасининг валюта майдончасида кўргазмали савдо сессияси ўтказилади.

«Матбуот анжуманида таъкидландики, йилдан-йилга жаҳон бозорида мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилишга қизиқиш ортиб бормоқда. 1-халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси Ўзбекистон иқтисодиётининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш, унинг географиясини кенгайтиришга хизмат қилади.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессияси иш бошлади. Унда турли мамлакатларнинг 300 нафарга яқин вакили иштирок этаётир. Улар орасида таниқли маданият, фан ва маориф намояндалари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси делегацияси аъзолари ҳам бор.**

# ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ СЕССИЯСИ

Бош конференция доирасида ЮНЕСКО ташкил топганининг 60 йиллиги муносабати билан маросим, шунингдек, ЮНЕСКО бош директори лавозимига, ташкилотнинг ижроия кенгаши ҳамда ёрдамчи муассасаларига сайловлар ҳам бўлиб ўтади.

Тадбирнинг биринчи куни Бош конференция сессияси раиси М.Омелева, ижроия кенгаш раиси Х.Вреде ҳамда ЮНЕСКО бош директори К.Мацуура сўзга чиқди.

М.Омелева сессия иштирокчиларига ЮНЕСКО Бош конференциясининг фаолияти ҳақида ахборот берар экан, у ўзининг Ўзбекистонга буюрган ташрифига алоҳида тўхталди. М.Омелева "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг бешинчи анжумани ишида қатнашган ва ўшанда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов билан учрашган эди.

М.Омелева фестивал чоғида Ўзбекистон Президенти томонидан ўзига совға қилинган миллий зарбоф тўнни кийиб олган эди. Мамлакатимиз делегацияси аъзолари билан учрашув чоғида у Самарқандда бўлган кезлари ЮНЕСКО Бош конференцияси ишида мазкур тўнни кийиб юришга ваъда берганини таъкидлар экан, бундан кейин ҳам Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги яқин ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтиришга ҳисса қўшажагини қайд этди.

**"Жаҳон" АА.**

# СТАНДАРТЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**«Ўзстандарт» агентлиги делегацияси Сингапур шаҳрида ўтказилган Стандартлаштириш Халқаро Ташкилотининг (СХТ) 28-Бош ассамблеясида иштирок этди. Агентликдан «Туркистон-пресс» мухбирига маълум қилишларича, унда ҳозирги замон таҳдидлари олдини олиш фаолиятидаги янги йўналишлар муҳокама этилди.**

СХТ Бош котиби Алан Брайден сўнгги пайтларда кўп мамлакатлар азият чекаётган табиий офат, техноген фалокатларнинг олдини олиш ишида халқаро стандартларни аниқлаш долзарб масала эканини таъкидлади.—Бунинг учун эса стандартлаштириш бўйича барча миллий муассасалар саъй-ҳаракатларини бирлаштирмоқ зарур.

Унинг фикрича, саъй-ҳаракатларни модернизациялаш ва бирлаштириш масаласи долзарбликда хавфсизлик ва глобал савдо масаласидан қолишмайди. Улар миграция божхона хизматлари, молия институтлари, электрон савдо-сотиқни ривожлатириш фаолиятида тан олинган умумий стандартларни қабул қилишга ҳам тааллуклидир.

Мазкур тадбир қатнашчилари СХТнинг 2005-2010 йилларга мўлжалланган Стратегия режалари ва ривожланаётган давлатлар учун Ҳаракат дастури билан танишишди. Хусусан, ушбу ҳужжатларда 200 дан зиёд мамлакат вакилларининг СХТ техник қўмиталарида қатнашиш имкониятларини кенгайтириш назарда тутилган. Ўзбекистоннинг стратегия йўналиши СХТнинг пахта ва шойи саноати учун стандартлар ишлаб чиқиш бўйича қўмитасига кириш ҳисобланади.

СХТнинг Бош ассамблеясида Жаҳон савдо ташкилоти, Халқаро электротехника комиссияси, Телекоммуникациялар халқаро уюшмаси билан ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда СХТ томонидан ишлаб чиқилаётган йўналиш - хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан, сайёҳлик, транспорт тармоғида халқаро стандартларни қабул қилиш масаласига катта қизиқиш билан қаралмоқда.

**«Туркистон-пресс».**




**КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.**
**Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.**

*Сиз кутган учрашув*

# ХАЛҚҚА КУЛГУ УЛАШАМАН

**Ҳаётимиз ўйин-кулгулар билан янада гўзал ва қизиқарли, мазмунлидир. Дилдан яйраб кулган кишининг чеҳрасига назар солганмисиз, унинг ўша дамда нақадар бахтиёр ва хурсанд эканлигини сезасиз. Кулгу-давранинг гули дейдилар. Мана шундай давраларда ҳамшаҳарларимиз қалбига чексиз қувонч, хурсандчилик, беғубор кулгу улашиб келаётган севимли санъаткоримиз, кулгу устаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, машҳур қизиқчи Ҳожибой ТОЖИБОЕВ бугун саҳифамиз меҳмони.**



**— Ҳожибой ака, биласиз халқимиз санъатсевар, кулгисевар. Сиз катта саҳналарга чиқиш олдидан албатта жиддий тайёргарлик кўрасиз. Шундай чоғларда сизнинг хаёлингиздан қандай фикр, ўй ўтади? Ҳаяжон ҳам бўлса керак?**

— Албатта, ҳар бир санъаткор у қўшиқчими, кулгу устаси бўладими катта саҳнага чиқиш олдидан ҳаяжон бўлади. Чунки минглаб томошабиннинг кўзию, қулоғи сизда бўлади. Бу ҳозир нимани қойил қиларкин, деган ўйда сизга термулади.

Мен биринчидан ўзимнинг концертим бўлса, қўрқмайман. Репертуаримда гап кўп, аввало томошабинга мослаб ўзимни созлайман. Гапни нимадан бошлаш керагу, қандай якунлаш керак. Бу томошабиннинг сизни қандай қабул қилишига ҳам боғлиқ. Кейин концерт ёзда бўляптими, қишда бўлаяптими, шунга мослаб гапириш керак. Яна масалан, турли байрамлар, касб байрамлари бор, шуларга мослаб репертуар тайёрлаш керак албатта. Шундай пайтлар бўладики, сизга 15 дақиқа вақт берилади. Шу вақтда ҳам табриклаш керак, ҳам чиқишнинг кульминацион нуқтасини ижро этиш керак бўлади, қисқа вақт ичида томошабинни кулдириш керак. Агар юзта концерт қўйилса, ҳаммасида томошабин ҳар хил қабул қилади. Масалан, қарсак бўладиган жойда баъзан бўлмайди, куладиган жойда кулгу чиқмаслиги мумкин. Устозлар айтмаган, китобларда ёзилмаган шундай бир ҳолатлар бўладики, буни ёлғиз санъаткорнинг ўзи билади. Ҳозир халқни кулдириш жуда қийин. Бу жуда нозик иш. Санъаткор берилиб гапириб туриб ҳам ўзини, ҳам томошабинни сезиб туриши керак. Томошабин сизнинг гапларингизни қабул қилишига қараб гоҳида репертуарни ўзгартириб, ёки яхши қабул қилмаса, билдирмай репертуарни қисқартиришга тўғри келади. Қўшиқчи санъаткорларда эса умуман бошқа. Улар ҳеч нарсани ўзгартирмай бир хилда ижро этишади.

**— Кўп йиллардан буён халқимиз сизни, ижодингизни ҳурмат қилиб келади. Албатта, ўзбекнинг тўй-ҳашами кўп. Бизнингча сизни тўйга таклиф қилиб келувчилар кўп бўлса керак. Илтимос қилиб келганларга қандай жавоб қиласиз?**

— Тўғрисини айтиш керак. Албатта халқимизда тўй-ҳашамлар кўп, байрамлар кўп. Ана шундай кунларда халқимиз хурсандчилигига шерик бўлиш ва хизмат қилиш бизнинг вазифамиз. Йўқ дейиш мумкин эмас. Шундай ҳоллар бўладики масалан Ангренга тўйга бориш керак, бирдан бошқа бир одам илтимос қилиб тўйга айтиб қолади. Ахир бошқа одамга ваъда бериб қўйганман. Буни баъзилар тушунмайди. Ўша ердан чиқиб, тез етиб келинг, деб илтимос қилади. Энг ёмони санъаткор ваъда бериб, умидвор қилиб сўнг имкони бўлмай ўша жойга бора олмай қолиши. Шунинг учун ваъда бермаслик керак, деб ўйлайман. Шу ваъда берувди, келиб қолиши керак деб кутиш ёмон.

**— Бугунги кунда аксарият қўшиқчи санъаткорларимиз кинода ўз қобилиятларини синаб кўришмоқда. Сизни ҳам кинога таклиф қилишган бўлса керак? Бу масалага қандай қарайсиз?**

— Биласизми, мен санъаткорман, деб ҳамма соҳада ўзини синаб кўриш мумкин. Лекин ҳақиқий санъаткор қўшиқчиликдами, кинодами агар у ҳақиқий санъаткор бўлса, халқнинг ўзи баҳо беради, халқнинг назарига тушади, эл эътиборини қозонади. Истеъдодсиз санъаткор эса узоққа бора олмайди. Менимча ҳар ким ўз касбини қилгани дуруст. Мени ҳам ўн йилдан буён кинога таклиф қилишади. Хоҳламаяпман. Аслида мен санъат институтида актёрлик факультетининг драма ва кино бўлимида таҳсил олганман. Келгусида ўзим яхши бир сценарий асосида кино ишлаш ниятим ҳам йўқ эмас.

**— Ҳожибой ака, кейинги вақтларда катта саҳналарда санъаткорларга қўшиқ куйлаётган вақтида ёки кулги усталари гапираётган чоғда томошабинларнинг қаторлашиб чиқиб гулдасталар тутиб яна ёнларида суратга тушишларига нима дейсиз? Шахсан сиз саҳнага чиқиб гапираётган вақтингизда ҳам шундай ҳолат рўй берганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Булар санъаткорни чалғитиб, халақит бермайдими?**

— Жуда ўринли савол бердингиз. Ҳақиқатан ҳам кейинги вақтларда катта саҳналарга чиққан санъаткорларга у қўшиқ айтяптими, кулдиряптими, уни мароқ билан тинглаш ўрнига худди мақсадлари санъаткорга гул бериш ёки у билан расм тушишга келгандек саҳна томон отилиб чиқадиган бўлиб қолишди. Баъзилар эса саҳнада берилиб рақсга тушиб кетишяпти. Индамасанг, қулоғингга алланималарни пичирлаб кетишади. Яна елкадан тутиб уч-тўрт киши бўлиб расмга тушишяпти, бу ерда санъаткор нимани гапиряпти, ишлари йўқ. Бу тўйларда ҳам такрорланяпти. Бундай тартибсизликлар албатта санъаткорни чалғитади, халақит беради. Илгарилари катта концертларда ҳеч бундай ҳоллар бўлмаган. Ҳозирчи?.. Қани маданият, қани маънавият? Ахир биз қандай замонда яшаяпмиз? Менимча томошабинларни тарбиялаш керак. Куладиган жойида кулмайди. Ҳайрон қоласан киши. Мутасаддилар бу ҳолнинг олдини олишса ёмон бўлмасди.

**— Мана сиз, элимиз ардоғидаги таниқли кулги устасисиз. Оилангизда бўлғуси санъаткорлар вояга етаётгандир. Фарзандларингиз ҳам сизнинг изингиздан бориб, кулги устаси ёки бошқа бир санъат йўлини танлашига қандай қарайсиз?**

— Менимча ҳозир халқимизнинг асосий қисми санъат шайдоси ёки санъаткор бўлиш истагида. Санъаткор бўламан, деган билан одам ўз-ўзидан санъаткор бўлавермайди. Бунинг учун ўша одамда туғма қобилият бўлиши, ёшлигидан санъат сирларини, устозлар ўгитини ўрганиши зарур, деб ўйлайман. Ҳозир жуда кўплаб ёшларимиз санъат йўлидан боришмоқда. Уларда санъатга ҳавас кучли. Лекин вақтнинг ўзи кўрсатади. Ҳақиқий санъаткор ўзи ялт этиб кўзга кўриниб, мухлислар қалбидан жой олади. Фарзандларимга келсак, ҳамма инсонларда бўлганидек, уларда ҳам санъатга ҳавас бор. Мен албатта уларга сен санъаткор бўласан, демайман. Касбни ўзлари танлашсин.

**— Ҳожибой ака, келгуси режаларингиз ҳақида ҳам ўртоқлашсангиз...**

— Биласизми, режалар кўп. Доимо изланишдаман, янгилик ахтараман, репертуаримни бойитиб, янгилик киритишга ҳаракат қиляпман. Яқинда декабрь ойида ўзимнинг яккахон концертимни бериш ниятидаман. Ҳозир томошабинларни қойил қолдириб,кулдириш қийин иш. Бунинг учун ҳаётни, одамларни кузатиш керак. Гапирилмаган гапларни айтиш зарур. Мақсадим концерт залига маданий дам олиш учун борадиган халқимизга фақат яхши кайфият, чеҳраларига кулгу,қалбларига бир олам шодлик ва завқ улашиш. Шу билан яхши кунларида доимо шерик бўлиш.

**— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат, сизга доимо соғлик-омонлик, ижодингизга баркамоллик тилаймиз.**

**Дилором ИКРОМОВА**
**суҳбатлашди.**

---

*Лаҳзалик пайров*

## АСКИЯ

**Ҳозир айни куз фасли — полиз экинларидан қовуну тарвузлар ранго-ранг бўлиб, бозорларнинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Куни кеча шаҳримиздаги Қўйлиқ бозорида қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бозорнинг Чирчиқ дарёси қирғоғидаги ялангликда тизилиб турган қатор-қатор қовун ва тарвуз уюмларига қараб икки аскиячи пайров айтишаяпти. Биз бу лаҳзалик қовун номлари пайровини ёзиб олгандик, марҳамат, ўқиб, дам олинг, қадрдон мухлислар!**

**МАМАСОЛИ:** — Ҳой, Турғунбой! Намунча сўлакайингиз оқиб, қовун уюмларига қараб, маҳлиё бўлиб турибсиз? Ахир, ҳаммасининг деҳқон эгаси бор. Ҳамёнда пул бўлмаса бирининг ёнига бориб, тиз ЧЎК ЭРИ бор, дейман. Рози бўлса, кейин сўйиб, еяверасиз!

**ТУРҒУНБОЙ:** — Дўстим Мамасоли, пайровни жуда нозик жойидан бошладингиз-да! Ўйлаброқ гапиринг, яна эгаси оёғимни БОСВОЛДИ, деб, додлаб юрманг!

**МАМАСОЛИ:** — Парво қилманг, оёқ тузалиб кетади. Ундан кўра анави КЎКЧАдан олинг, мен ШАКАРПАЛАКни оламан, бир ШИРИНАК ўйнайлик.

**ТУРҒУНБОЙ:** — Йўқ, Мен КЎКЧАни эмас, ҚИЗИЛ УРУҒни оламан, ширинликда ўша Шакарпалагингизнинг уруғини ўйнатиб юборади.

**МАМАСОЛИ:** — Ҳалитдан бунақанги баланд кетманг, қаранг, бу ерга юртимизнинг ҳаммаёғидан келтирилган қовунлар сотиляпти! Сал ўйлаб сўзланг, ҳув анови деҳқоннинг исми Бўривой экан, Сал асабига тегсангиз, БЎРИКАЛЛА қўяди-я!

**ТУРҒУНБОЙ:** — Хавфсирамасдан гапираверинг, у калла қўя олмайди. Нега десангиз, ёнида АСАТИ амаки турибдилар, ҳой ҚОРАвой, бас, дейдилар.

**МАМАСОЛИ:** —Аттанг, бироз вақт ўтиб кетди-да! Бўлмаса ҲАНДАЛАКни сўйиб, ширинакда ғолиб бўлармидим.

**ТУРҒУНБОЙ:** — Ачинманг, назаримда ҳалигача ҲАНДАЛАКнинг ҳидига маст бўлиб юрганга ўхшайсиз. У ҳолда манави АСАЛУРУҚ шарбат сувидан бир ҳўплаб олинг, ОБИНОВВОТ деб ўйлайсиз!

**МАМАСОЛИ:** — У-бу гапни қўйинг! Ҳув нарида Хоразмдан келган ГУРВАК деган турибди, эҳтиётроқ бўлинг, унинг кўриниши хунук бўлгани билан нақд тилингизни ёради-я!

**ТУРҒУНБОЙ**:— Сизга тил ёрадиган жарроҳ керак бўлса ана Ғаллаорол, Чироқчи даштларидан келган қоринлари ҚЎЗИВОЙдек қаппайган ЛАЛМИвойлар ҳам тил ёриш устаси. Шунинг учун тилингизни тишлаб жим туринг!

**МАМАСОЛИ:**— БАС етар, сиз яна ТАРСКЕТДИ АНАНАС, мен ЧИРС ЭТДИ ЧИНни тарвуз бўлиб, одамларга майна бўлмайлик. Яхшиси, сиз Мирзачўлнинг УМРБОҚИси, мен Фарғонанинг АМИРИ бўлай, ана шунда ширинак поёнига етади.

**ТУРҒУНБОЙ:** — Поёнига етса, унда ким ғолиб бўлади. Менимча сиз Самарқанднинг ДАХБЕДИ, мен Марғилоннинг ТОШЛОҒИ бўлайлик, барибир ТОШЛОҒИ ғолиб бўлади!

**МАМАСОЛИ** — Ўзингизни мақтанчоқ эртапишар ДАВЛАТВОЙдек тутманг, балким НОНГЎШТдай ивиб, енгилдик, дерсиз. Қани, навбат ШИРИНАКка!

**Ёзиб олувчи:**
**Олим БЕКОВ.**

---

## ХАНДАЛАР

Шифокорнинг қабулида
— Ичасизми?
— Майли.

* * *

— Доктор, сочларим тўкилиб кетаяпти. Уларни амаллаб сақлаб қолишнинг иложи бормикан?

— Картон қутига солиб, асраб кўрсангиз нима бўларкан.

* * *

— Азизим, доктор менга денгиз ҳавосида дам олишни буюрди. Қаерга борамиз — Қора денгизгами ёки Кипргами?

— Йўқ бошқа докторга борамиз жоним.

* * *

Мункиллаб қолган кекса бир одам докторнинг ҳузурига келибди:

— Мен яна йигирма йил яшармиканман?

— Ҳм... чекасизми?

— Йўқ.

— Ичасизми?

— Йўқ.

— Аёллар билан юрасизми?

— Йўқ.

— Бўлмаса, яна йигирма йил яшаб нима каромат кўрсатмоқчисиз?

---

## АНТИҚА ГАПЛАР

"Ойга бошим қўйиб ётсаммикин?!"
**(Қўшиқдан)**

"Оёғим йиртилди, тикиб берасизми?"
**(Этикдўзга мурожаатдан)**

"Молимга кўз-қулоқ бўлиб туринг"
**(Бозордаги гап)**

"Кириб-чиқиш — 50 сўм".
**(Ҳожатхона эшигидаги ёзув)**

"Бизнинг бригада кеча-кундуз ётиб ишлайди".
**(Монтажчилар гапи)**

"Иложини қилсак, уйингизни шу бугуноқ ёқиб кетамиз".
**(Райгаз ходимининг гапи)**

"Вой, ошга ўтирмайсизларми, бироз ўтирсаларинг бўларди".
**(Мезбоннинг дегани)**

"Қўқон, Қўқон, 16-кабинага киринг".
**(Телеграфдаги мурожаатдан).**

*Тадбирлар*

# ОИЛА — ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Яқинда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида «Оила — маданий-мафкуравий тарбиянинг муҳим ижтимоий омили» мавзусида республика илмий-назарий, илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.**

Кечани мазкур институт профессори Абдухалил Маврулов кириш сўзи билан очиб, оила муқаддас қўрғон бўлиб, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг, тадбирда республика «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари Васила Каримова «Хотин-қизларнинг оила ва жамиятда тутган ўрни" хусусида, Тошкент шаҳар “Оила” маркази раҳбари Гулнора Деҳқонова эса бугунги талаба-ёшлар ва уларнинг миллий-маданий меросимизга муносабати тўғрисида, халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси ижрочи директори Насиба Усмонова «Оила, аёл ва қадриятлар уйғунлиги» мавзусида сўзга чиқдилар. Шунингдек, институт «Халқ ижодиёти» кафедраси мудири С.Йўлдошева, тарих фанлари номзоди Қ.Нишонбоева, М.Муродовлар ҳам ўз сўзларида оилага муҳаббат, қадрият ва урф-одатларимизга ҳурмат, ёшлар тарбиясига эътибор ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда иштирок этган талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил ва тўлиқ жавоблар олишга мушарраф бўлди. Анжуман фикр-мулоҳазаларга бой тарзда мароқли ўтди.

**Камола ҲАМДАМОВА,**
**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг 1-курс талабаси**

*Луқма*

# DO YOU UNDERSTAND ENGLISH?

Эҳтимол, сарлавҳани дарҳол англай олмасдан ҳайрон бўлишингиз мумкин. Унда, тўпорироқ бўлса-да, «Сиз инглизчани тушунасизми?» деб сўралмоқда.

Ҳа, бугунги глобаллашув даврида халқаро мулоқот воситасига айланган бу тилни яхши билиш жуда-жуда зарур. Шу боис у таълим муассасалари ўқув дастурларидан ўрин олган, қанчадан-қанча курсларда, репетиторлар билан яккама-якка машғулотларда кўпчилик инглизчани ўрганмоқда.

Бу фақат таҳсинга сазовор ҳол. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик инглиз тилини эгаллашни ҳаётий заруратга айлантирди.

Давр билан қадам босаётган ишбилармонларимиз ҳам ё ўта замонавийликларини, балки ўзларининг инглиз тилини сув қилиб ичиб юборганликларини намойиш қилиш учун бўлса керак, кичик дўконми, салобатли савдо мажмуасими — уларга инглизча ном қўйишни тобора урфга киритишмоқда.

Пойтахтимиз кўчаларининг ҳар икки томонидаги савдо, хизмат кўрсатиш шохобчалари пешлавҳаларига бир кўз югуртирсангиз, бунга ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз турган гап. Қайси бекатга қараманг «Fast food», яъни «тезкор тамадди қилиш» маъносини берадиган ёзувларга дуч келасиз.

Афтидан бугунги кунда «Гўзаллик маркази», «Тиббиёт маркази» деган сўзларимиз муомаладан чиқаётган кўринади. Акс ҳолда «Beaute centre», «Medical centre» деган ўқловдай-ўқловдай пешлавҳалар қаршисида анграйиб турмасдингиз.

Тўғри-да, «Олтин тепа» деган ном ресторанга ярашадими? Албатта «Golden hill» бўлиши керак! Ёки пивохўрлик учун «Олтин дарё»га шўнғигандан «Golden river»га ғарқ бўлиш афзал эмасми?

Ҳатто «Шаҳар афсонаси» номи жозибали туюлмаганга ўхшайди. Ишонмасангиз шаҳар қоқ марказидаги «Tale of town» неон ёзувлари кўзни қамаштираётганини томоша қилинг.

«Wall strit» ва «King burger» қаҳвахоналари, «Game club» компьютер ўйинлари клублари каби пешлавҳалар тилни ёрмайдиган қовун уруғларидек ҳар қадамда бўлмаса ҳам бот-бот диққатингизни тортаверади. Инглиз тилидан билимингиз саёзроқ бўлса «All eye» сўзларини ўқиб, ёқа ушлашдан бошқа иложингиз қолмайди. Агар сўзма-сўз таржима қилинса, «умуман, барча, ҳар қандай кўз» дегани ҳақиқатан ҳам нима?

Хулласи калом айрим ишбилармонларимиз аҳолининг инглиз тилидан саводини чиқаришга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга астойдил бел боғлашган кўринади. Аммо, бевақт ножўя луқмага журъат этган бўлсак «sorry», давлат тили тўғрисидаги қонун талабларига бу янги урф қанчалик мос келаркин?

**Э.МАДИЁРОВ**

*Ҳар тўғрида*

Куй-қўшиқларни магнитофонга ёзиб олиш табиий бир ҳол, зероки ҳозир электроника даври. Бироқ Швейцер-ренеке шаҳридан бўлган (Жанубий Африка Жумҳуриятининг Трансвааль вилояти) Ханс Брюдерлейн ўзини консерватор деб ҳисоблайди. Ўзига ёққан барча куйларни Десси исмли канарейкасига “ёзади”.

Беш ёшли қушча куйларни жуда тез ўрганиб олади. Десси маршларни “жуда ёқтиради” ва уларнинг 11 турини овозида ижро этади. Айниқса “Аида операсидан марш»ни ва “Чапдаст йигитлар” марш»ни оҳангида айтиладиган шотланд халқ қўшиғини мириқиб ижро этади.

## МУЗЛИК ТАҚДИРИ

Австралиянинг Дейвис номли тадқиқот станцияси жойлашган Антарктика қирғоғидаги Прюдс бўғозида қуёш май ойининг бошидан то июль ойигача уфққа бекинади. Қуёш бекиниш олдидан унинг қия заррин нурлари қалин муз устига бостириб келаётган янги музлик парчасига таралиб, ажиб манзара кашф этади. Бу пайт гляциологик текширишларни ўтказиш учун қулайдир. Олимлар эски музни янги муз билан муқояса қилишиб, олтинчи қитъада музликнинг пайдо бўлиш жараёни ҳақида муҳим хулосалар чиқармоқдалар.

## ТЕМЗАНИНГ ОҚҚУШЛАРИ

Қачонлардир Темзанинг фахри бўлган оққушлар бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолди. Дарё сувида қўрғошин миқдорининг тобора кўпайиб бораётганлиги оқибатида бу қушларнинг сони кескин камайиб кетди, деб хабар беради “Ньюсайентист” журнали.

Темза қадимдан оққушлари билан машҳур. 1350 йилда бу қушлар ҳақида ғамхўрлик қилиш вазифаси юклатилган “оққушлар кузатувчиси” қирол хизматида бўлган.

Яқин орада, 50-йилларда бу ерда оққушлар сони шунчалик кўпайиб кетдики, аҳоли уларнинг инларидан тухумларини олиб, бу қушларнинг бош сонини анча камайтиришга мажбур бўлди. Бироқ кейинчалик оққушлар сони кескин даражада камая бошлади. Бунда дарё сувларининг ифлосланишидан ташқари қушларни озуқадан маҳрум этаётган балиқчилар катта роль ўйнамоқда.

## САНИТАР ШИМПАНЗЕ

Япониянинг Фукуок шаҳридаги доктор Уоямнинг ветеринария клиникасида ноёб санитар хизмат қилади. У саккиз ёшда, хизмати эвазига унга банан берилади. Бу Хозук исмли шимпанзе маймунидир. Врач бу маймунни қувноқ уй ҳайвони сифатида болаларига сотиб олган эди. Аммо ўз хўжайинини бир неча бор иш устида кузатиб турган маймун, унга ёрдамлашишга аҳд қилди. Маймун ҳайвонларни врач кўраётганда уларни тутиб туришни яхшилаб ўрганиб олган. Масалан, оғриган итларга муолажа қилинаётган ёки ҳарорати ўлчанаётган маймун уларни панжаларидан ташқарига чиқиб кетмаслигини таъминлайди. Доктор Уоям ўз “шогирди”нинг хизматидан ниҳоятда мамнун. “У оғриган ҳайвонларни жуда яхши тушунади ва улар билан тезда тил топиша олади”, — дейди доктор Уоям.

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

### 8 ОКТЯБРЬ, ШАНБА

**Сайёраларнинг жойлашиши бугун одамлар учун омадли келади. Шу куни касб-кор ва бошқа ишларда ҳаммамизга омад ёр бўлиши кутилади. Энг муҳими –моддий фойда кўриб, турмушимиз фаровонлашади.**

Мунажжим Л.Неведомская талқинига кўра, бу шанба нейтрал астрологик фонга эга. Ой сайёрасининг Ўқотар буржида бўлиши шууримизни юксаклик мақомига кўтариб, узоқ мамлакатлар ҳаётига қизиқишимизни кучайтиради.

Меркурий билан Тунги ой қувватларининг бирлашиши ўз хулқ-атворимиздаги ёмон одатларга қарши курашда ҳар биримизни ўз ихтиёримизча иш кўришга даъват этади.

**БУГУН:**

— молиявий ва илмий муаммоларни ҳал этиш;

— малакангиз йўл қўядиган ишлар билан шуғулланиш;

— обрў ва мансаб пиллапоялари ҳақида қайғуриш;

— оилангизга кўпроқ эътибор қилиш;

— қўлёзмалар ва ҳужжатлар устида ишлаш;

— ҳамфикр ва руҳан ўзингизга яқин кишилар билан мулоқотда бўлиш.

### 9 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

**Ҳурматли мунажжимларимиз бугунги кунни (якшанба бўлишига қарамай) астойдил меҳнат билан ўтказган кишилар бойлик ва фаровонликни қўлга киритишларини таъкидлашган. Фақат аниқ мақсад ва режа билан ишлаш тавсия этилади. Шунингдек, раҳбарлар, обрўли, машҳур кишилар билан бўладиган мулоқотлар катта наф келтиради.**

Тепангизда чақмоқ чақнаши – бу катта хурсандчилик белгиси. Кун бўйи сизни қушларнинг сайраган овози таъқиб этса – аждодлар сизга мададкор бўлишади. Уларни яхшилик билан эслаб қўйинг. Нималарнидир тўкиб юбориш, кийимнинг йиртилиши ва тирноқнинг синиши нохушликлар ва йўқотишларга ишора бўлади. Тасодифан чироқ ёхуд ёниб турган оловнинг ўчиб қолиши ҳам нохуш ҳолатларга далолатдир.

**ЯКШАНБА МАСЛАҲАТЛАРИ:**

— аллақачон бошлаб қўйган ишларингизни давом эттиринг;

— бевосита бошлиғингиз, амалдорлар, маҳаллий ҳокимият вакиллари, депутатлар билан учрашинг;

— уйларни кўтариб, жиҳозларни тартибга келтиринг;

— бирор қарорга келишдан олдин вазиятни пухта таҳлил этиб олинг;

— принципиал масалаларда тортишув ва мунозаралардан қочманг.

Шубҳали кўнгилочар муассасаларга боришдан, ўзингиз ҳақингизда кўп гапириб мақтанишдан тийилинг.

### 10 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

**Мунажжимлар бугунги кунни рицарлик жасоратлари намойиш этиладиган, фаол ташаббуслар куни деб тавсифлашган.Уларнинг фикрича, бугун “ҳолва пиш – оғзимга туш” деб, бекор ўтириш мутлақо мумкин эмас. Таваккалига иш кўриш, чигаллашиб кетган муаммоларни қизғин ҳал этиш даркор. Лекин бунда эҳтиросларга берилишдан, қуюшқондан чиқиб кетишдан ўзингизни тийишингиз, ақл-фаросат ва вазминлик билан фаолият юритишингиз керак бўлади. Шунда кутилган ғалаба ва масрур онларга етишасиз, ҳаётингиз бутунлай ўзгариб кетади.**

Шу куни маъдан билан ишлаш, қимматбаҳо тошларга ишлов бериш, уларни харид қилиш хайрли бўлади. Яна бир мунажжимимизнинг юқоридагиларга қўшилган ҳолда таъкидлашича, Ой сайёрасининг Тоғ эчкиси буржида бўлиши барча одамларни ўз диққат-эътиборларини бир жойга жамлаб, мақсад сари интилувчан қилиб қўяди. Бироқ, бугун Ой ва Қуёш тутилишлари оралиғидаги ўрта кун бўлиб, барча сабаб ва оқибатлар боғлиқлиги заиф ҳолатда бўлади.Бундай кунларда ҳатто ипидан-игнасигача пухта ўйлаб чиқилган режалар ҳам, уларни рўёбга чиқаришнинг энг таъсирчан омиллари ҳам иш бермаслиги мумкин.

**ДУШАНБАДА:**

— сафарлар, саёҳатларга йўл олиш, нарсаларни бир жойдан бошқа жойга кўчириш;

— астойдил ва унумли меҳнат қилиш;

— ишлаб чиқариш масалалари ва турар-жой муаммоларини ҳал этиш;

— яшаш жойингизни ўзгартириш, рўзғорингизни яхшилашга ғамхўрлик қилиш;

— хонадонингизни, дала ҳовлингиз, омборхоналарни таъмирлашга киришиш.

Бош ва бел оғриғига чидаб ўтириш, ошқозон хасталикларига бепарво бўлиш тақиқланади.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2004 йил 19 ноябрдаги 10-0405/11068-сонли қарорига асосан ЁАЖ (ДЭУ-Ташкент) қўшма корхонаси тугатилади.

Мурожаатлар эълон нашр қилинган кундан 2 (икки) ой мобайнида қабул қилинади. Манзил: Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 1-уй. Тел: (+99890) 188-02-04 Д.С.Хамидовга мурожаат қилинсин.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси Юнусобод туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 2003 йили Жаҳонгир Зокирович Солиев номига берилган №19695 рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

М.С.Турсунхўжаева номли тиббиёт коллежи томонидан 2004 йил 11 сентябрда Раббимов Суннатилла Мансурович номига берилган № 130-сонли ўқувчи гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

2005 йил 27 августдан бошлаб

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ**

**КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ «ШАРҚ МАШЪАЛЛАРИ»**
**Катта халқаро байрам дастури**
**Дастурдан:**
**ўргатилган кучукчалар, маймунчалар, каптарлар билан фантазиялар, илон ўргатувчи бўғма илон билан, чавандоз йигитлар ва бошқа кўплаб иштирокчилар ҳамда қизиқарли томошалар ўрин олган.**
***ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!!!***
**Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.**
**Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.**
**Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.**
**Касса эрталаб соат 9.00 дан ишлайди.**
**Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**


«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси жамоаси «5-Автокорхона» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Муҳамед Валиевич Ходиевга онаси

**Маъсудахон ая ХОДИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

